*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 22 ноябрь • сешанба № 49 (776)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.minjust.uz

"Обуна — 2012"



**ТОШКЕНТ ШАҲРИ, САМАРҚАНД, НАВОИЙ, БУХОРО, АНДИЖОН**

вилоятлари адлия бошқармалари

*ташаббуси билан мазкур ҳудудларда газета ўқувчилари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Шу боис 2012 йил учун **"Инсон ва қонун"** газетасига обуна ижобий даражада амалга оширилмоқда. Мазкур вилоятлар газетхонлари ва адлия тизими мутасаддиларига миннатдорчилик билдирамиз.*

***"Инсон ва қонун": индекс — 137***

# Конституция — барчамизнинг тақдиримизда!

**Сабоқ**

## Давлат — бу халқ ҳокимияти

**2-МОДДА. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.**

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ мазкур моддаси демократик давлатимизнинг энг муҳим жиҳатларидан бирини ўзида акс эттирган. "Давлат", "Халқ" тушунчалари Асосий қонунимизнинг жуда кўп моддаларида учрайди ва улар бир-биридан ажралмас эканлиги сезилиб туради. Давлат ва халқ доимо ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, қаерда давлат халқнинг қўлида бўлса, унга хизмат қилса ва унинг иродасини ифода этса демократик давлат бўлиб ҳисобланади.

Давлатимизнинг энг биринчи вазифаси халқ иродасини ифода этиш, халқ манфаталарини ҳимоя қилишдир. Шу сабабли Конституциянинг 2-моддасида фуқаролар манфаатининг ҳамма нарсадан устунлиги тан олинган ва қонуний мустаҳкамланган. Қомусимизнинг муҳим хусусиятларидан бири шуки, фуқаролар манфаатининг устунлиги нафақат эълон қилинган, балки бошқа кўпгина моддаларида қонун билан кафолатланган ҳамдир.

Конституциянинг ушбу моддасини диққат билан мушоҳада қилар эканмиз, унда бизнинг жамиятимизда инсон давлат учун эмас, балки давлат инсон учун мавжудлиги сезилиб туради.

Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш сари ташлаган дадил қадамларидан бири давлатнинг фуқаролар олдидаги масъулиятининг қонунлаштирилиши бўлди. Бош қомусимизга кўра, давлат қонун доирасида инсонлар учун, уларнинг тинч-тотув ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоғи лозим. Ҳақиқатан ҳам ҳамма нарса инсон учун, унинг порлоқ келажаги ва бахт-саодати учун деган ғоя амалда тантана қилмоқда.

Асосий қонуннинг ана шу жиҳати ҳақида сўз кетар экан, юртимиз тарихининг ёрқин саҳифаларини ёдга олиш жоиздир.

Маълумки, улуғ бобокалонимиз Амир Темур XIV асрда Ўрта Осиёда қудратли ва буюк давлатга асос солган ва уни бутун дунёга машҳур қилган. Буюк соҳибқироннинг ўзи давлатни қандай ушлаб турганлиги ва қай тарзда идора этганлиги ҳақида қуйидагича таъкидлаб ўтган: "Салтанатим ишларини муроса-ю мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргаздим...

Фуқароларни адолат ва инсоф билан ўзимдан рози қилдим... раият (халқ) аҳволидан огоҳ бўлдим".

Улуғ бобокалонимизнинг бундай доно йўл-йўриқлари-ю панд-насиҳатларини эслаб ўтишдан хулоса шуки, қайси давлат халқ иродасини ифода этса, унинг манфаатларига хизмат қилса, у узоқ яшайди ва келажаги буюк бўлади.

Ўзбекистон давлати ўзининг асосий ислоҳотчилик фаолиятида ҳам биринчи навбатда диққат-эътиборини халқ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш даврида мураккаб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий жараёнларни бошқаришда бебошликка йўл қўймаслик, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш сиёсати давлатимиз томонидан оғишмай амалга оширилмоқда.

"Янги жамиятнинг сиёсий ва давлат тузумини белгилар эканмиз, — деган эди Юртбошимиз Ислом Каримов, — унда ҳар бир одамнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолияти учун етарли эрк берадиган шарт-шароитлар яратмоғи керак". Бунда, аввало, ҳақиқий демократия қарор топар экан, демак, республика аҳолисининг барча қатламлари манфаатлари, барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий ва маданий ҳақ-ҳуқуқлари муҳофаза этилиши назарда тутилади.

Шундай қилиб, Асосий қомусимизда ҳимоя қилинаётган халқ манфаатлари фақат ўзбек халқи манфаатлари эмас, балки Ўзбекистон ҳудудида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларидир.

**Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,**
**Тошкент давлат юридик институти доценти**



**41-модда**
***Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.***
***Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.***
***Мактаб ишлари давлат назоратидадир.***
*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан*



**54-модда**
***Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.***
*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан*



**63-модда**
***Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.***
*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан*

**Назар**

## Ишончли, асосланган хулосаларга таяниб

Х.СУЛАЙМОНОВА номидаги Республика суд экспертиза марказида мамлакатимиз мустақилликка эришган йили 27 турдаги суд экспертизалари ўтказилган бўлса, 2001 йилда уларнинг сони 33 тага етган. Бугунги кунда эса Марказнинг лаборатория ва бўлимлари ҳамда вилоятлардаги 8 та бўлинмасида 40 турдаги суд экспертизасини ташкил қилган 54 эксперт мутахассислиги бўйича тадқиқотлар ўтказиш йўлга қўйилган. Кейинги даврда эришилган ютуқлар қаторида одамнинг митохондриал ДНКси ва Y-хромасомасини тадқиқ қилиш, замонавий транспорт воситаларининг тормозланиш хусусиятларини аниқлаш, компьютер техникаси ёрдамида қалбакилаштирилган ҳужжатларни текшириш ва бошқа экспертиза услубларини айтиб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 2 июндаги **«Суд экспертизаси тўғрисида»**ги Қонуни суд экспертизасининг тизимли ҳуқуқий базасини шакллантириш билан бир қаторда, соҳанинг динамик ривожланиши, экспертлик тадқиқотларининг жаҳон стандартларига мос келадиган, замонавий илмий даражада ўтказилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришда ҳуқуқий асос бўлди. Унинг ижросига қаратилган Ҳукумат қарорлари суд экспертизаларини ўтказишнинг ташкилий асосларини такомиллаштириш, суд экспертиза хизматига маънавий етук ва билимдон мутахассислар олиш, суд экспертларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 15 декабрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида Суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгаш ташкил қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Суд экспертиза соҳасида муаммоларни комплекс ўрганиш ва уларни тизимли ҳал қилиш юзасидан аниқ, илмий асосланган таклифлар ҳамда таъсирчан механизмларни ишлаб чиқишга қаратилган мазкур Кенгаш фаолияти суд экспертиза соҳасининг тараққий этишида муҳим омил бўлади, албатта.

**Саттор ОТАХЎЖАЕВ,**
**Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази бошлиғи**

# Тизим тадбирлари

## Мустақиллик рамзи

ТОШКЕНТ давлат юридик институти Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг 20 йиллигига бағишлаб **"Давлатимиз байроғи — ифтихоримиз тимсоли"** мавзуида тадбир ўтказди. Мақсад байроғимизнинг мазмун-моҳиятини, мазкур соҳадаги амалдаги қонунчиликни ёшларга тушунтириш, уларда юксак ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашдан иборат.

Анжуманда иштирок этган Адлия вазирлиги ҳамда Республика маънавият тарғибот маркази масъул ходимлари, футбол бўйича жаҳон чемпионати иштирокчиси, Осиёнинг уч карра энг яхши ҳаками Равшан Эрматов, дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Ришод Собиров, халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистон чемпиони, "Бунёдкор" жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов, дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев, Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари ёш авлодда фидойилик туйғуларини ўстиришда давлат рамзларининг аҳамияти юксак эканлигини таъкидлашди.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган "Давлат рамзлари" фильми намойиш қилинди.

* * *

Хоразм вилоятининг Хонқа ва Янгибозор туманларида Адлия вазирлиги тарғибот гуруҳи аъзолари томонидан **"Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир"** мавзуида навбатдаги тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди.

2000 га яқин ёшлар иштирок этган тадбирларда асосий эътибор Юртбошимизнинг **"Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида"** деб номланган янги китобининг мазмун-моҳиятига қаратилди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

## Ҳамкорликни талаб этади

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Бош прокуратура, Олий суд, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Адвокатлар палатаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий маркази вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг Олий ўқув курслари биносида "Фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

ДАВРА суҳбати мобайнида, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилинишини таъминлашда нафақат давлат органлари, балки фуқаролик жамияти институтлари ва қолаверса, барча фуқаролар фаол иштирок этиши лозимлиги, шу жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўрни ҳамда аҳамияти алоҳида таъкидланди.

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## Коррупция жамият ривожига тўғоноқ, унинг оқибатлари ҳаёт тарзимизга салбий таъсир кўрсатади

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасида бўлиб ўтган "Коррупцияга қарши кураш бугунги куннинг долзарб масаласидир" мавзуидаги семинар барча иштирокчиларда, шу жумладан, нотариус ва ФҲДЁ бўлими жамоасида катта таассурот қолдирди.**

ХАЛҚАРО ва миллий қонунчиликда коррупциянинг умумэътироф этилган ягона таърифи бўлмаса-да, давлат томонидан ишониб топширилган ваколатдан шахсий манфаат йўлида фойдаланиш, ўзбошимчалик, ошкорасизлик, лоқайдлик ва қонун талабларини менсимаслик каби иллатлар коррупция жиноятини вужудга келтирувчи асосий омиллар эканлиги яхши маълум. Шу сабабли, бизнинг фаолиятимизда бундай салбий ҳолатларга асло ўрин йўқ.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш масаласига умумдавлат миқёсида қаралиб, унинг олдини олиш бўйича изчил ва мунтазам ишлар олиб борилаётган экан, биз ФҲДЁ бўлими ходимлари бу борада ҳушёрликни янада оширишимиз касбий масъулият ва маънавий бурчимиздир.

**Эътибор СУЛТОНОВА,**
**Янгийўл тумани ФҲДЁ бўлими мудири**

Депутат минбари

# Фуқаролик жамияти институтлари

## мамлакатни демократик модернизациялашда муҳим омил саналади

**ДАВЛАТИМИЗ раҳбари томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" Ўзбекистонда ривожланишнинг янги босқичи бошланганлигининг далолати ҳисобланади. Унинг рўёбга чиқарилиши мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифа — дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан жой олишида асос бўлиб хизмат қилмоқда.**

МАМЛАКАТИМИЗДА амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни чуқурлаштириш йўллари белгилаб берилган, пухта ўйланган ва ҳар томонлама асосланган мазкур Концепциянинг ҳаётга жорий этилиши фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий ҳамкорлигини кучайтириш, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жойларда ижтимоий дастурларни бажаришдаги ҳамда давлат ва жамият қурилишига оид муҳим аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишдаги фаол иштирокини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда.

"Тараққиёт концепцияси" деб баҳоланган ушбу ҳужжатда Юртбошимиз **"Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда",** дея алоҳида таъкидланган.

Маълумки, фуқаролик жамияти институтларига нодавлат нотижорат ташкилотлар, ўз ўзини бошқариш органлари (маҳалла), партиялар, ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва фондлар, оммавий ахборот воситалари кирган ҳолда, улар фуқаролик жамиятининг негизини шакллантириб, унинг мазмун-моҳиятини белгилайди.

Конституциямизда фуқаролик жамияти институтларининг амалий ифодаси бўлмиш нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамланиб қўйилгани натижасида ҳозирги кунда 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробарга кўпайганини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистондаги бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари ёки жамоат ташкилотлари, жумладан, хотин-қизлар, ёшлар, экологик ҳаракатларнинг ва шу каби бошқа ижтимоий институтларнинг мақсадли фаолиятлари, айниқса, самарали бўлмоқда. Шунинг учун ҳам бугун мамлакатимизда қабул қилинаётган янги қонунларимизнинг асосий мақсадларидан бири демократик тамойилларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишини рағбатлантириш, республика нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш орқали уларни ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бошқача айтганда, демократик кучларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашдан иборат.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади.

Айтиш керакки, фуқаролик жамияти институтларини тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритишини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган **«Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»**ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Сўнгги йилларда **"Жамоат фондлари тўғрисида"**ги, **"Ҳомийлик тўғрисида"**ги қонунлар, Президентимизнинг **"Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг **"Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қўшма қарори ҳам бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида, Олий Мажлис ҳузурида ташкил этилган Жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган Парламент комиссияси фаолиятининг йўлга қўйилгани эътиборга сазовордир.

Мазкур комиссиянинг фаолияти «учинчи сектор» деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очиқ, ошкора, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имконини бермоқда.

Фақат кейинги уч йилнинг ўзида фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан 11 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилган бўлса, жорий йилнинг ўзида ушбу йўналишга 5 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Бу эса демократик давлатнинг фуқаролик жамияти миллий институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда ўзининг сиёсий иродасини намоён этиш орқали давлат ва жамият ўртасида муайян ҳамкорлик ва қўллаб-қувватлашнинг ёрқин ифодаси бўлиб қолмоқда.

Таъкидлаш зарурки, Концепцияда белгилаб берилган фуқаролик жамияти институтларининг аҳолининг ижтимоий масалаларини ҳал этишдаги ваколатларини кенгайтиришга, ролини кучайтиришга, нодавлат нотижорат ташкилотларининг самарали фаолият кўрсатиши механизмларини яратишга қаратилган **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"**ги, **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги, **«Жамоат фондлари тўғрисида»**ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш режалаштирилмоқда. Ушбу қонунлар бўйича махсус комиссия ва ишчи гуруҳлари тузилиб, қонун лойиҳаларини тақдим этиш арафасида турибди.

Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш мақсадида **"Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"**ги, **"Экологик назорат тўғрисида"**ги қонунларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш ҳам юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Бу каби янги қонунлар халқимизнинг ўзлигини англаши, унинг асрлар оша тўплаган шарқона демократик тажрибасини замон руҳи билан янада уйғунлаштиради. Бу эса демократик янгиланиш жараёнида инсон ҳуқуқларининг тўлақонли таъминланишига ва унинг давлат бошқарувидаги роли ортишига хизмат қилади.

**Қодиржон ОДИЛОВ,**
**Мавлуда АЛИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Конституциясининг қабул қилиниши билан халқимизнинг миллий ғурур ҳамда ифтихор туйғулари юксалди, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам қонуний асослари қарор топди.**

Талқин

# "Ўзбек модели"

## тан олинган ривожланиш йўлидир



ХУСУСАН, Конституциямизнинг 13-моддасида қайд этилишича, **"Ўзбекистонда демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади"**. Мазкур меъёрларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясида ҳаётий тасдиғини топаётганлигини суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мисолида яққол кўришимиз мумкин. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш жамиятнинг ривожи ва давлат қурилишида энг муҳим йўналишлардан бири бўлди.

Миллий истиқлол ғояси тараққиётнинг "ўзбек модели"ни амалга оширишда яққол намоён бўлди. Ўзбекистон ўзига хос мустақил тараққиёт йўлини танлади. Бу йўл жаҳонда "ўзбек модели" деб тан олинган ривожланиш йўлидир. Ўзбек моделининг асосчиси Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган тараққиёт йўлининг бошқа моделлардан фарқ қиладиган хусусияти шундаки, у фақат иқтисодий ривожланиш эмас, балки кенг маънодаги миллий тикланиш ва ижтимоий тараққиёт моделидир. Шу сабабдан, иқтисодиёт билан бир қаторда давлат қурилиши, ижтимоий соҳа ва маънавиятни, жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади.

Ўзбек моделининг асосий устувор хусусиятлари нафақат иқтисодий тараққиёт масалаларини, балки миллий давлатчилик асосларини, миллий қадриятларни, инсон ҳуқуқларини, халқнинг ўзлиги ва ғурурини қайта тиклаши, ривожлантириши, мустақиллик ғояларини амалга ошириш учун мутлақо янгича фикрлаб, янгича иш юритадиган кадрларни тарбиялаш каби масалаларни ҳам ҳал этиши лозим.

Бугунги кунда фуқароларнинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган 120 дан ортиқ қонунлар қабул қилинган. Шунингдек, республикамиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга қўшилган.

Амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланаёган асосий мақсад, халқаро ҳамжамиятга уни кўз-кўз қилиш эмас, аксинча халқимизнинг миллий ўзлигини англаш ҳамда тарихий тажрибалар асосида демократик принципларни ривожлантиришдан иборатдир.

Бугунги кунда республикамиз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришнинг аниқ механизмлари яратилган. Бу эса мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида қадр топаётганидан далолат.

**Акбар НАБИРАЕВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

---

Ўқидингизми?

# "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари"

## журналининг 3-сони нашрдан чиқди




**ИНСОН ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг нашри — "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" илмий-маърифий журналининг шу йилги 3-сони мухлислар эътиборига ҳавола қилинди. Ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этилаётган ушбу журналнинг бу галги сони Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб нашр этилган.**

УНДА Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Ниғматилла Йўлдошевнинг **"Мустақиллик барча ютуқларимиз асосидир"**, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Борий Алихоновнинг **"Истиқболли одимлар"**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Собир Турсуновнинг **"Ижтимоий шерикчиликнинг ҳуқуқий асослари"** номли таҳлилий мақолалари эълон қилинган. Ушбу мақолаларда истиқлол йилларида ҳуқуқий соҳада амалга оширилган туб ислоҳотлар, миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш борасида қилинаётган ишлар хусусида сўз юритилган.

Журналнинг инглиз тилидаги вариантидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бўлим бошлиғи Мирзатилло Тиллабоев ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, ЮНЕСКОнинг "Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари" кафедраси мудири Абдулҳай Мўминовлар ҳаммуалифлигидаги **"Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирларнинг самарали натижалари"** ("Effective measures on human rights protection yielding results"), юридик фанлар номзоди, доцент Абдуғаффор Шомансуровнинг **"Ўзбекистонда жиноий ижро тизими ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялашнинг айрим масалалари"** ("Some problems of legal and social protection of the personnel of criminal executive system in Uzbekistan") номли мақолалари ва бошқа материаллар ўрин олган.

Журналнинг рус тилидаги вариантида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидованинг **"Парламент Омбудсмани — мустақил Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш институти"**, **"Ижтимоий фикр"** маркази директорининг ўринбосари Ўткир Қаюмовнинг **"Ёшлар ва ҳуқуқий саводхонлик"**, Германиянинг К.Аденаэур номидаги жамғармаси эксперти Хайни Бюлернинг **"Германияда инсон ҳуқуқлари маданияти ҳақида"** сарлавҳали ва бошқа қизиқарли мақолалар эълон қилинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 15 йиллиги муносабати билан "Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият" сарлавҳаси остида ушбу марказ фаолиятига доир саналар, фактлар ва воқеаларга оид ўзбек, инглиз ва рус тилларида берилган маълумотлар мухлисларни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

---

**ШУ сонга хабар!**

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирлари"** мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Адлия вазирлиги масъул ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг вакиллари, тадбиркорлар, жумладан, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир давомида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялашнинг муҳим йўналишларини батафсил тартибга солиш юзасидан Адлия вазирлиги ҳамда JICA (Япония Халқаро Ҳамкорлик) агентлигининг **"Тадбиркорлар учун маъмурий тартиб-қоидалар тўғрисида"**ги китобининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Вазирликка замонавий компьютер техникалари ҳамда мебель тўпламлари сотиб олиш ва ушбу товарларни вилоятларга етказиб бериш бўйича эълон қилинган тендер ҳақида.

Комиссия томонидан мебель жиҳозлари бўйича Тошкент шаҳридаги "HAMRO-CHINAR" масъулияти чекланган жамияти, оргтехника жиҳозлари бўйича "GOLDEN UNIVERSAL BIZNES" хусусий корхонаси ғолиб деб топилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 8 ноябрдаги №292-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ANNA-KONSULT" адвокатлик бюроси адвокати Демидова Анна Сергеевнага шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 30 июнда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 14 ноябрдаги №293-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "JUR OSIYO" адвокатлик фирмаси адвокати Атабаев Алишер Исанбаевичга шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 30 июнда берилган адвокатлик мақоми 2011 йил 7 ноябрдан бошлаб адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 15 ноябрдаги №297-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳар "LEX UZ" адвокатлик фирмаси адвокати Абдурахмонов Расулберди Боқиевичга 2009 йил 29 июнда берилган TN №001093 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Қўйлиқ даҳаси-5, 1-уй, 43-хонадонда жойлашган СТИР 206515187, "ASIAN STAR BROKER" МЧЖ фирмаси тугатилди.

Даъво ва эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.

**Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Қўйлиқ даҳаси- 5, 1-уй, 43-хонадон.**
**Мурожаат учун телефон: (+99897) 330-16-41.**

---

Қонун доирасида

# Ижро тўхтатилди. Нега?

## Чунки ҳужжатлар ноқонуний қабул қилинган эди

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб қилинган корхоналарнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда ва уларни бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда шартнома интизомини мустаҳкамлаш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилди.**



ҚОНУН устуворлигини таъминлаш борасида фуқаролар ҳамда юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар қонун талаби асосида кўриб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, адлия бошқармасига жорий йилнинг ўтган даврида 1582 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 183 таси фуқароларнинг шикоятларини ташкил этди. Келиб тушган мурожаатларнинг 141 таси белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, ўзининг қонуний ечимини топди ва қолганлари бошқарма ходимлари томонидан ўрганилмоқда.

Жумладан, вилоят адлия бошқармасига Навбаҳор туманидаги "Анҳор" фермер хўжалиги раиси мурожаат қилиб, туман ҳокимлигининг молия бўлимига фермер хўжалиги томонидан етказиб берилган сут ва гўшт маҳсулотлари учун туман молия бўлими тўловларни тўлаб бермаётганлигидан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганиб чиқилди. Туман молия бўлимига мавжуд қарздорликни тўлашни сўраб тақдимнома киритилиб, 1.732.500 сўм қарздорлик фермер хўжалигининг ҳисобрақамига тўлаб берилиши таъминланди.

2011 йилнинг 9 ойида **"Ишонч телефонлари"**га 75 та мурожаат бўлган ва уларнинг барчаси кўриб чиқилиб, қонуний ечимини топди. Жумладан, Нурота туманидаги "Далерхўжа Зафарбек" фермер хўжалиги раиси С.Жиянов жорий йилнинг 27 июлида "Агробанк"нинг Нурота тумани филиали томонидан кредит ажратилмаётганлигидан норози бўлиб, адлия бошқармасининг "Ишонч" телефони"га мурожаат қилганди. Мурожаатдан сўнг С.Жияновга 20 миллион сўм кредит ажратилиши таъминланиб, қонунбузарликка йўл қўйган банк ходимига қонуний чора кўрилди.

Ўтган даврда фуқаролар, тадбиркорлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатини кўзлаб шартномавий муносабатлар юзасидан судларга 831 та 7.624.949.048 сўмлик даъво аризаси киритилиб, 765 таси юзасидан 4.810.394.779 сўмлик даъво аризаси қаноатлантирилди.

Бошқармамиз томонидан қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 242 та тақдимнома киритилиб, 440 нафар мансабдор шахс интизомий жазога тортилиши, шундан 26 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши таъминланди.

Киритилган тақдимномаларга асосан 107 та ноқонуний ҳужжат бекор қилиниб, ижроси тўхтатилди. Тадбиркорларга вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномаларга асосан 2.149.391.000 сўм маблағлар ўз эгаларига қайтарилди.

**Зиявуддин ИРСАЛИЕВ,**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

---

**ҲАЁТДА шундай ҳуқуқий муносабатлар мавжудки, улар имзонинг ҳақиқийлигини нотариал тартибда тасдиқлашни тақозо этади. Бу жараён эса албатта, "Нотариат тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонуности ҳужжатлар асосида амалга оширилади.**

Нотариал фаолият

# Имзонинг ҳақиқийлиги

## қандай шаҳодатланади?



ХЎШ, бунда қандай мезонларга таянилади?

Мазкур Қонуннинг 67-моддасида **"Нотариус мазмуни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди. Нотариус имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлар экан, ҳужжатда баён этилган фактларни эмас, балки фақат имзонинг муайян шахс томонидан қўйилганлигини тасдиқлайди"**, дея қайд этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нотариус жисмоний нуқсони, касаллиги, саводсизлиги ёки бошқа сабаблар туфайли ўз қўли билан имзо қўя олмайдиган шахс учун имзо қўйган шахснинг имзосини шаҳодатлаш пайтида имзо қўйган ва имзо қўйишни илтимос қилган шахснинг ҳам шахсини аниқлайди ҳамда уларнинг муомала лаёқатини текширади. Аммо нотариус туғилганлик, ўлим, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар сингари тегишли давлат ташкилотларидагина қайд этиладиган ҳолатлар тасдиқланган ҳужжатдаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаши мумкин эмас. Бундай ҳужжатдаги имзонинг ҳақиқийлиги, агар ўша ҳужжат хорижий давлат суди ёки бошқа идораларга тақдим қилишга мўлжалланган ҳолдагина шаҳодатланиши мумкин. Юридик шахснинг таъсис ҳужжатидаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлашда эса уларнинг устав фондига ҳисса сифатида киритилаётган рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мулкнинг тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжат ёки таъсис ҳужжати, вакил орқали расмийлаштирилган ҳолларда бўлса унинг ваколати текширилади ва бу ҳақда нотариуснинг тасдиқловчи ёзувига ёзиб қўйилади.

Банкларга тақдим қилинадиган карточкалардаги юридик шахс мансабдорларининг ва якка тартибдаги тадбиркорнинг имзолари намуналарини шаҳодатлаш жараёнида уларнинг имзоси ҳақиқийлиги ва имзо қўйиш ҳуқуқи ваколати текширилади. Бунда реестрга уларни давлат рўйхатидан ўтказган органнинг номи, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг рақами ва санаси ёзиб қўйилади. Лекин давлат рўйхатидан ўтмаган шахсларнинг банк карточкасидаги имзоларининг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш мумкин эмас.

**Шоҳида БОБОБЕКОВА,**
**Фарғона шаҳар 1-сон давлат нотириал идораси нотариуси**

**БУГУНГИ КУНДА атроф-муҳитни ва унинг ресурсларини, жумладан, энг муҳим неъматлардан бири — сувни муҳофаза қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон ҳамжамиятини аҳолини ва иқтисодиётни сув билан таъминлаш муаммоси ҳақли равишда ташвишлантирмоқда. Зеро, расмий маълумотларга кўра, бугун сайёрамизда бир миллиарддан зиёд одам тоза ичимлик сувига муҳтож. Келгусида эса аҳоли сонининг муттасил ўсиб бориши ва иқлим ўзгаришлари оқибатида сув ресурслари тақчиллиги янада кескинлашиши мумкин.**

**Трансчегаравий дарёлар**

# Сув кимники? Ҳамманики!

## Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш халқаро даражадаги долзарб масала



МАЪЛУМКИ, шу йилнинг 12 майида пойтахтимизда "VI Умумжаҳон сув форуми сари – сув хавфсизлиги йўналишида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур анжуман 2012 йилнинг март ойида Франциянинг Марсель шаҳрида бўлиб ўтадиган VI Умумжаҳон сув форумига катта тайёргарлик жараёни доирасида ўтказилди. Бундай нуфузли конференциянинг республикамиз пойтахтида ўтказилиши минтақамизда сувдан фойдаланиш долзарблигини яна бир бор исботлайди.

Умумжаҳон сув форумига катта тайёргарлик жараёнининг муҳим босқичи бўлган Тошкент халқаро конференциясида дунёнинг 32 мамлакатидан 350 дан ортиқ экспертлар, таниқли олимлар, экологлар, сув хўжалиги соҳаси мутахассислари, ўттизга яқин нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

VI Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик бўйича Тошкент минтақавий конференцияси иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти йўллаган қутлов мурожаатида қуйидагилар таъкидлангани эътиборга лойиқ:

Икки азим дарё — Амударё ва Сирдарё асрлар давомида Марказий Осиёда истиқомат қиладиган аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини, суғориладиган деҳқончилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, аввало, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун зарур даражада сув билан таъминлаб келган. Айнан шу заминда кўп асрлар муқаддам сайёрамизда биринчилардан бўлиб ирригация ва сувдан самарали фойдаланиш тизими яратилган. XXI аср бўсағасида Марказий Осиё халқлари учун, сайёрамизнинг бошқа кўплаб минтақаларида бўлгани каби, сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш масаласи муҳим ҳаётий аҳамият касб эта бошлади. Чунки ўтган асрнинг иккинчи ярмида йирик трансчегаравий дарёлардан узоқни ўйламай фойдаланиш оқибатида минтақамиз экологик ҳалокат ёқасига келиб қолди.

Минтақада сув ресурслари тақчиллиги, суғориладиган экин майдонларининг яроқсиз ҳолга келиши, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг кескин қисқариши, иқлим ўзгаришлари, шунингдек, асосий дарёлар сув оқимининг катта кисмини ташкил қиладиган Помир ва Тянь-Шань тоғларидаги музликлар эришининг тезлашуви — булар Орол фожиаси келтириб чиқарган оғир оқибатларнинг бир қисми, холос. Айнан шу сабабли минтақадаги трансчегаравий дарёлар бўйида жойлашган давлатларнинг ҳаётий эҳтиёжларини азал-азалдан таъминлаб келган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бугунги кунда алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги вақтда минтақанинг 6 давлатида истиқомат қилувчи 50 миллиондан зиёд кишининг тақдири сув ресурслари, биринчи галда, трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш бўйича ҳар томонлама пухта ўйланган ёндашув ва қарорларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари ва экспертларнинг эътибори бугун инсоният олдида табиатни ҳозирги ва келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш, уни одамлар турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатадиган, табиатдан фойдаланиш бўйича шаклланган тизимни бузиши мумкин бўлган хавф-хатар ва таҳдидлардан ҳимоя қилишдек муҳим вазифаларга қаратилди.

Ҳозирги долзарб вазифалардан бири, минтақамиз халқлари учун трансчегаравий дарёлардан умумэътироф этилган халқаро меъёрлар ва қоидалар асосида фойдаланишни кафолатлайдиган, ҳар бир томон учун тенглик, ўзаро манфаат ва адолатни таъминлайдиган самарали минтақавий ҳамкорлик механизмларини яратишдан иборат.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, минтақавий ва глобал даражада гидрологик балансни сақлаш, сув ресурсларини асраш ва тежаш, сувдан фойдаланиш ҳажмини камайтиришни таъминловчи деҳқончилик тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш, сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш — булар ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган ғоят муҳим масалалар бўлиб, биздан алоҳида эътибор ва ўзаро манфаатли муносабатни талаб қилади.

Сайёрамизнинг сув ресурсларини ўрганиш, сақлаш ва улардан фойдаланишга бағишланган энг йирик халқаро тадбирлардан саналмиш Умумжаҳон сув форумлари 1997 йилдан буён уч йилда бир марта ўтказиб келинмоқда. 2012 йили бўлиб ўтадиган VI Умумжаҳон сув форумининг мавзуси «Мақсаддан — ечимлар сари» деб белгиланган. Анжуман кун тартибидан жой оладиган 12 йўналишдан олтитаси Марказий Осиё минтақаси учун ғоят аҳамиятли бўлиб, булар — сувдан кафолатланган тарзда фойдаланиш ва сувга бўлган ҳуқуқ, ҳамкорлик ва тинчликка кўмаклашиш, сув ресурсларини интеграциялашган бошқарувни жорий этиш орқали сувдан кўп томонлама фойдаланиш мувозанати, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сув ресурслари ва экотизимлар сифатини яхшилаш, урбанизациялашаётган дунёдаги иқлим ва глобал ўзгаришларга мослашиш каби мавзулардан иборат. Айни пайтда минтақамиз учун трансчегаравий сув иншоотларини халқаро ҳуқуқ асосида бошқаришни ташкил қилиш, сув ресурсларидан фойдаланишда интеграциялашган бошқаришни кенг жорий этиш, буни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигини, жумладан, ирригацияни ислоҳ қилиш устувор аҳамиятга эга.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги ҳимоясини кучайтиришга, нафақат мамлакатда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида экологик вазиятни яхшилашга, жумладан, сув ресурсларини бошқариш сифатини ошириш ва сув тежамкорлигини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ислоҳотлар комплекс тарзда, босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган Ўзбекистонда бу соҳа ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Юртимизда табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб берадиган миллий қонунчилик шаклланди ва тобора такомиллаштирилмоқда. Шунингдек, мақсадли давлат дастурлари, миллий ҳаракат режалари амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасидаги барча асосий халқаро ҳужжатларга, жумладан, БМТнинг трансчегаравий сув оқимларини ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишга доир бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларига қўшилган.

2010 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган **«Марказий Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш»** мавзуидаги халқаро анжуман фикримиз тасдиғидир. Унда Тошкент экология декларацияси қабул қилинган эди. Декларацияда минтақа давлатлари трансчегаравий дарёлар оқимида жойлашган бошқа давлатларга зарар етказмаслик учун бундай дарёлардан фойдаланишнинг асосий принциплари белгиланган муҳим халқаро ҳуқуқ ҳужжатларига мувофиқ трансчегаравий ҳамкорликка риоя қилиши лозимлиги қайд этилганлиги муҳим юридик аҳамиятга эга.

Амударё ва Сирдарё оқимлари юқори қисмида жойлашган мамлакатларнинг амалдаги халқаро меъёрларни бузиш орқали трансчегаравий сув ресурсларини эксплуатация қилишга интилишлари катта ташвиш туғдирмоқда. Марказий Осиёда сувдан адолатли фойдаланиш масалалари жаҳон ҳамжамиятида кенг акс-садо бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур дарёларнинг юқори қисмларида улкан тўғонларга эга катта гидроиншоотлар қуришга доир лойиҳаларни амалга оширишга уринишлар минтақанинг бутун экотизимига тузатиб бўлмайдиган зиён етказиши ҳамда техноген, ижтимоий-экологик ва гуманитар ҳалокатларни келтириб чиқариши мумкин. Ушбу лойиҳалар ўтган асрда ишлаб чиқилган ва техник жиҳатдан аллақачон эскирган. Ваҳоланки, бу ҳудудда сўнгги 110 йил ичида 20 дан зиёд юқори балли ер силкинишлари рўй берган. Чунончи, Тожикистондаги Роғун ГЭСининг қурилиши кучли ер силкинишини келтириб чиқариши ва аҳоли ҳаёти учун улкан хавф туғдириши мумкин.

Роғун сув омбори фаолияти энергетик режимига ўтказилганидан сўнг сув танқислиги вегетация даврида ўртача 22 фоиздан кўпроқ ошади, сув тақчил йилларда эса қарийб 2 баравар кўпаяди. Бу қурғоқчиликка, катта чўл ҳудудларининг пайдо бўлишига олиб келади, қишда эса ҳайдаладиган ерлар ва аҳоли истиқомат қилаётган жойларда сув тошқинларига сабаб бўлади.

Давлатимиз раҳбари кўп бор таъкидлаганидек, бундай лойиҳалар трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланишга доир халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларига мослигини қатъий белгилаш ҳамда уларнинг ушбу дарёлар ҳавзасида жойлашган барча мамлакатлар аҳолиси, иқтисодиёти ва экотизимлари учун барча эҳтимол тутилган салбий оқибатларини аниқлаш мақсадида улар, албатта, халқаро экспертлар иштирокида мустақил экологик ва техник экспертизадан ўтказилиши зарур.

**Мавлуда АШИРБОЕВА,**
**тадқиқотчи**

# “Ақл тарозусига қўйиб иш тутиш лозим...”

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ трансчегара дарёлардан рационал фойдаланиш, ушбу минтақада улкан сув иншоотлари қурилиши масалалари хорижий мамлакатларнинг давлат, сиёсат ва эксперт-таҳлил доираларининг диққат марказида турибди.

**Франция геосиёсат институтининг Бельгиядаги эксперти П.-Э.Томанн** фикрича, Ўрта Осиёда кенг миқёсли сув лойиҳаларини амалга оширишга, хусусан, гигант сув иншоотларини барпо этишга интилаётганлар, энг аввало, улар келтириб чиқарадиган оқибатлар устида мулоҳаза юритишлари лозим.

Экспертнинг фикрича, сейсмик жиҳатдан хавфли бўлган ҳудудда ҳар қандай йирик сув иншоотининг қурилишига жуда эҳтиёткорлик ва чуқур мулоҳазакорлик билан ёндашмоқ керак ва шубҳасиз, Ўрта Осиё минтақаси ана шундай ҳудудлар сирасига киради.



“Сирдарё ва Амударё дарёлари Ўрта Осиёдаги асосий сув артериялари эканлиги ва минтақанинг 50 миллиондан зиёд аҳолисининг ҳаёти ва тақдири ушбу дарёларга боғлиқ эканлиги ҳисобга олинар экан, бирон-бир сув лойиҳасининг рўёбга чиқарилишида мазкур дарёлар ҳудудларидан оқиб ўтадиган мамлакатлар билан келишувнинг бўлмоғи зарурдир”, дея таъкидлади эксперт.

Олимнинг қайд этишича, трансчегара дарёларида улкан сув иншоотлари қурилишининг лойиҳалари халқаро мутахассислар иштирокида пухта ўрганилишини тақозо этади. Экспертнинг ҳисоблашича, Тожикистоннинг бундан 40 йил муқаддам тайёрланган улкан Роғун гидро электр станцияси қурилиши лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш тўғрисидаги қарори ўта хавфлидир, негаки, мазкур лойиҳа халқаро экспертлар томонидан холисона ва ҳар томонлама таҳлил этилмаган, унинг рўёбга чиқарилиши жуда катта инқирозли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу муносабат билан П.-Э.Томанн бундай лойиҳаларни амалга оширишга ҳаракат қилаётганларни ақл тарозусига қўйиб иш тутишга ҳамда бундай жиддий қурилиш билан боғлиқ барча масалаларни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ва тамойиллари асосида ҳал қилишга даъват этди.

**Бельгиянинг Қироллик Археология академияси аъзоси, профессор Жан Бланкофф**нинг таъкидлашича, дунёдаги энг баланд Роғун гидро электр станцияси қурилиши ҳудуди сейсмик жиҳатдан ер куррасидаги энг хавфли ҳудуд ҳисобланади. Профессорнинг айтишича, 8-10 балл кучга эга бўлган зилзила бир неча бор содир бўлган бу минтақада яна бошқа кучли ер силкинишлари рўй бермаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Тўғон ости ер қатламларининг тузли тошлар билан бир-бирига улангани ҳолати ҳисобга олинадиган бўлса, бу ҳудудда баланд тўғоннинг қурилиши нафақат шунчаки хавфли, балки фавқулодда хавфлидир.

Жан Бланкофф мазкур лойиҳа жонкуярларини Роғун гидро электр станцияси қурилишининг оқибатлари, яъни у мабодо ҳалокатга юз тутган тақдирда ўта даҳшатли инқирозларга, жуда кўплаб одамларнинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкинлиги юзасидан жиддий мулоҳаза юритишга чақирди.

Ўз навбатида, Тожикистондаги «Asia-Plus» интернет нашри тарқатган хабарда маълум қилинишича, **тожик олими, техника фанлари доктори, профессор Алимхон Бурхонов** ўз мамлакати раҳбариятини Роғун гидро электр станцияси қурилишидан воз кечишга даъват этди. Унинг фикрича, бундай иншоотлар қурилиши жуда кўп вақт талаб қилиши баробарида асрлар давомида одамлар истиқомат қилиб келган катта ҳудудларнинг сув остида қолишига сабаб бўлади.

Шунингдек, тожикистонлик олимнинг ҳисоблашича, 335 метр баландликдаги тўғон Тожикистоннинг ўзида ҳамда унга қўшни мамлакатлар ҳудудларида яшайдиган аҳоли учун муайян хавф-хатарни туғдиради. У кичик гидро электр станциялар қурилишига эътибор қаратиш зарур эканлиги ҳақида фикрини ўртоқлашар экан, бундай мўъжаз гидро электр станциялар анча самарали бўлишига ҳамда "Тожикистондан оқиб ўтадиган барча дарёларда ана шундай кичик сув иншоотларини барпо этиш лозимлигига" комил ишонч билдирди.

**«Жаҳон» АА**

**Замона зайли**

# Электрон рақамли имзо

## бу ҳақда нималар биласиз?



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2011 йил 7 февралдаги **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида”**ги Қарорига мувофиқ жорий йилнинг 2 майида Вазирлар Маҳкамасининг **«Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни ахборот билан таъминлашни янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 7 майдаги 128-сонли буйруғига асосан солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳозирги кунда бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, бугуни кунда ахборот технологияларидан жамият тараққиётининг барча жабҳаларида кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, вилоятимизда ҳисобот топшириш мажбуриятига эга аксарият корхона ва ташкилотларда электрон рақамли имзо (ЭРИ) мавжуд бўлиб, улар солиқ ҳисоботларини электрон тарзда жўнатиш имкониятига эга.

Ҳисоботни электрон тарзда жўнатиш учун ишни нимадан бошлаш керак?

Биринчи навбатда ЭРИ олиш лозим. ЭРИ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан берилади. ЭРИдан фойдаланиш учун шартномани туман ДСИдан олиш мумкин.

«Солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар» тизимида ЭРИ ёрдамида www.hisobot. uz, www.e-hisobot.uz ва www. otchet.uz сайтида ишлаш мумкин. Кўрсатилган сайтларга кириб, «Солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар» тизимида ишлашдан олдин, албатта, шахсий компьютерда солиқ тўловчи ўз электрон рақамли имзоси жойлашган электрон ташувчи (флешка ёки диск)ни ўрнатиши керак. Иккинчи қадам — тизимга кириш. ЭРИ олинганидан сўнг у тизимдан фойдаланувчиларнинг очиқ калитлари ва сертификатлари рўйхатида рўйхатдан ўтказилади ва «фаол» мақомини олади. Агар солиқ тўловчи ЭРИни олган, лекин уни ҳали рўйхатдан ўтказмаган бўлса, «Солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар» тизимига кириш вақтида хато ҳамда ЭРИнинг «фаол» эмаслиги ҳақида хабар келади. «Солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар» («Шахсий кабинет») тизимига кириш вақтида кейинги қадам солиқ тўловчини рўйхатдан ўтказиш ҳисобланади, яъни зарур бўлган қуйидаги маълумотларни кўрсатиш лозим: корхона ходимлари сони, корхона тури, корхонанинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома рақами, телефон рақами ва коди, раҳбарнинг солиқ тўловчиларнинг идентификацион рақами ва бухгалтернинг СТИРи. Агар ташкилотда бухгалтер лавозими кўзда тутилмаган бўлса, бухгалтернинг СТИРи ўрнига мазкур корхонада бухгалтерия ҳисобини юритиш учун жавобгар шахснинг СТИРи кўрсатилади.

Учинчи қадам — электрон ҳисоботни тузиш, жўнатиш ва текшириш. Очилган "менюда «Электрон ҳисобот шакллари»ни танлаб олиш. «Электрон шакллар» тугмасини босган ҳолда электрон ҳисобот шакллари дафтари очилади. Бу ерда кейинчалик тўлдириш учун керакли ҳисобот шаклларини танлаб олиш мумкин.

Ҳисоботни тўлдириш вақтида шуни қайд этиш жоизки, ҳаво-рангга бўялган қаторлар қўлда (фойдаланувчи томонидан мустақил) тўлдирилади. Сариқ рангга бўялган қаторлар автоматик тарзда тўлдирилади ва ҳисоб-китоб қилинади.

Шуни такидлаш жоизки, бунда ҳисоботнинг қоғоз кўринишидаги нусхаси талаб этилмайди.

Ҳисобот ўз вақтида топширилганлиги ва солиқ инспектори томонидан имзоланганига ишонч ҳосил қилиш учун тўлиқ маълумот («Рўйхатга олиш дафтари»нинг «Батафсил маълумот» белгиси)га кирилади ва билдиришнома қоғозга чиқарилиши лозим. Билдиришномада солиқ ҳисоботи тақдим этилган сана ҳамда ҳисоботни қабул қилган инспекторнинг фамилияси, исми-шарифи кўрсатилади.

ЭРИ олмаган ва ЭРИ калитининг муддати ўтган хўжалик юритувчи субъектларга электрон рақамли имзо учун 2010 йил 1 январидан бошлаб тўлов жорий қилинган бўлиб, унга кўра бюджет корхоналари бепул, фермер хўжаликлари энг кам иш ҳақининг 10 фоизи бошқа хўжалик юритувчи корхоналар энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида Янги технологиялар илмий ахборот марказининг ҳисобрақамига тўловни амалга оширадилар.

**Зиёдаддин ҚУРБОНОВ,**
**Хоразм вилояти ДСБ бўлим бошлиғи**


**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Фарғона вилоятида**
Қўқон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Хоразм вилоятида**
Урганч шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Қорақалпоғистон Республикасида**
Нукус шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Нукус шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тахиатош шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрткўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрткўл туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Хўжайли туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Андижон вилоятида**
Андижон шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жалақудуқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Бухоро вилоятида**
Коғон шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жондор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ромитан туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Қашқадарё вилоятида**
Қарши шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Навоий вилоятида**
Зарафшон шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Самарқанд вилоятида**
Пастдарғом туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Фарғона вилоятида**
Марғилон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қува туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сўх туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ёзёвон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Тошкент вилоятида**
Олмалиқ шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бекобод шаҳар давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бўстонлиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Паркент туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ўртачирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Юқоричирчиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгийўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Тошкент шаҳрида**
Мирзо Улуғбек туман 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ҳамза туман 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2011 йил 21 декабрь)**
**Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**


Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси қошидаги Малака комиссиясининг 2011 йил 28 октябрдаги қарори ва вилоят адлия бошқармасининг 2011 йил 15 ноябрдаги 137-ум-сонли буйруғига асосан Шаҳрисабз туманидаги "Ҳимоя" адвокатлик фирмасининг собиқ адвокати Пулатов Бурхонга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 19 июнда берилган KS 000032-серияли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2011 йил 14 ноябрдаги 119-ум-сонли буйруғига кўра "NIZAM USTINLIGI" Адвокатлар ҳайъати адвокати Бекпулатов Рахат Алтынбековичга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 15 июнда берилган QR №000027-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми уч ой муддатга тўхтатилди.

Фахрийлар – фахримиз

# Ишонч ва меҳр

## инсонни улуғлайди ва элга танитади



**АНЧА вақтлардан буён Тўлан Дадабоев билан дилдан суҳбатлашишни ният қилиб юрардим. У кишининг меҳнат фаолияти ва босиб ўтган умр йўли ҳақида ён дафтарчамда етарли маълумот ҳам бор эди. Ҳуқуқ-тартибот идораларида кўп йиллардан буён ишлаб келаётган, кўплаб шогирдлар етиштирган тажрибали ҳуқуқшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Тўлан ака билан суҳбатлашишнинг ҳам ўз гашти бор.**

ТЎЛАН ака меҳнат фаолиятини Наманган вилоятининг Учқўрғон ва Мингбулоқ тумани прокуратураларида терговчиликдан бошлаб, сўнгра Наманган вилояти прокуратураси тергов бўлими прокурори, Сирдарё вилоятининг Гулистон тумани прокурори, 1976-2003 йилларда Сирдарё вилояти суди раиси, вилоят прокурори, вилоят суди раисининг ўринбосари, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлади. Ҳозирда Тўлан ака Сирдарё вилояти хўжалик судида кадрлар масалалари бўйича мутахассис бўлиб ишлаб келмоқда. Бу тиниб-тинчимас инсонга барча ҳамкасблари ҳавас қилади.

— Бу дунёда ҳар бир инсон босиб ўтган ҳаёт йўли орқали ўзига баҳо беради. Йиллар ўтгани сари одам ҳаётни теранроқ англаб, ўз хатоларидан сабоқ чиқариб борар экан, — дейди Тўлан ака биз билан суҳбатда.

— Албатта, ҳуқуқшунос бўлиш орзуси кўнглимдаги адолатни ҳис этишдан бошланганди, деб эслайди устоз. — Аниқроғи, Ўзбекистоннинг йирик ҳуқуқшунос олимларидан бири, Бердиёр Аҳмедовга бўлган ҳавас мактабда ўқиб юрган чоғимдаёқ менда ҳуқуқшунос бўлиш иштиёқини уйғотганди. У киши отамнинг яқин дўсти эди.

Бердиёр Аҳмедов ўқиш ва ишимда менга оталарча меҳр билан устозлик қилди. У кишининг насиҳатлари ҳамон ёдимда. Бердиёр ака "элдан ажралма, нафсингга эрк берма" деб биз шогирдларига кўп бор насиҳат қиларди.

Тўлан аканинг шогирдлари у кишининг кўп бор такрорлайдиган сўзини доимо эслашади.

— Авваламбор, инсон ҳуқуқшунослик касбини танладими, уни қалбдан севиши, меҳр қўйиши, керак. Ўзи севган касбни ҳаётининг мазмунига айлантириши лозим. Ана шунда кўзланган масадга эришилади. Маънавий бойликни мол-дунёдан устун қўя билиш керак. Ана шунда шу касб сизни юксак поғоналарга кўтаради, халқ орасида обрўйингизни оширади.

Тўлан акани ҳамкасблари ҳурмат қилишади. У киши ҳақида гап кетса: "Ўзимизнинг Тўлан ака", дея ҳамкасблари фахр билан тилга олишади. Инсон учун дўсту биродарларининг эътирофидан ортиқ баҳонинг ўзи йўқ. Эътирофга сазовор бўлиш учун эса инсон ҳаётида ҳалол яшаши ва ўз касбини жон дилдан севиши керак. Бизнинг Тўлан ака ана шундай инсон. Шунинг учун шогирдлари унга доимо ҳавас қилади.

— Ёшлар шу соҳани танладими курашувчан, адолатли, фикрида қаттиқ турадиган, журъатли бўлиши керак. Бу жиҳатлар жамланганда қатъиятлилик юзага келади. Лекин қатъият қўполлик билан аралашиб кетса зарар келтиради, қатъиятлиман деб ўз ўрнини билмасдан ноўрин фикр билдириш, қайсарлик қилиш, бошқаларнинг фикрини эшитмаслик ёки менсимаслик мумкин эмас. Муомала маданияти теран ақл эгасига хос фазилатдир, — дейди устоз ёшлар билан учрашувларда.

**Ситора БАРЛИБОЕВА,**
**журналист**

Коинот ва биз

# Самовотдаги сунъий йўлдош

## Ерга қулаши мумкин...ми?

**АЙНИ ПАЙТДА Ер сайёрасининг қуйи орбитасида — 210-300 километр баландликда «айланиб юрган» Россиянинг «Фобос-Грунт» деб номланган зонди, аниқроғи, сайёралараро автомат станцияси 26 ноябрь куни Ерга қулаши мумкин, дея тахмин қилмоқда Американинг Космик кенгликлар назорати тизими мутахассислари. Бу ҳақда АҚШ Стратегик қўмондонлиги сайти хабар тарқатди. Бироқ айнан шу қўмондонликнинг яна бир тахминига кўра, зонд келгуси йилнинг 12 январида қулаши ҳам мумкин.**

МАЪЛУМКИ, Марс сайёрасининг Фобос йўлдошини тадқиқ этишга ва унинг тупроғидан Ерга намуна олиб тушиш вазифасини бажаришга мўлжалланган «Фобос-Грунт» сайёралараро автомат станцияси жорий йил 9 ноябрга ўтар кечаси Бойқўнғир космодромидан «Зенит-2 SБ» юк ракетаси ёрдамида учирилганди. Юк ракетаси муваффақиятли парвоз қилиб, сайёралараро автомат станцияни Ер орбитасининг қуйи қисмига олиб чиқди, аммо айнан шу манзилда муаммо туғилди: олдиндан режаланган «марш» двигатели ўт олмади. Натижада автомат станция сайёралараро парвоз траекториясига ўтолмади.

Мутахассисларнинг айтишларича, «марш» двигателининг ўт ололмаслигига электрон дастурда йўл қўйилган хатолик сабаб бўлаётган бўлиши мумкин. Гарчи, рус мутахассислари «марш» двигателини Ердан туриб ўт олдиришга уринсалар-да, бунинг уддасидан чиқишолмаяпти. Бироқ ҳали умид сўнгани йўқ.

Ачинарлиси шуки, автомат станция тезлигини йўқотиб бораётгани етмагандек баландликни ҳам йўқотмоқда. Агар мутахассислар двигателни ўт олдиришнинг уддасидан чиқишолмаса, охир-оқибат аппарат Ернинг атмосфера қатламига киради ва... ёниб кетади. Негаки, 13505 килолик аппаратда 7,5 тонна ёнилғи мавжуд. Аппаратнинг маълум қисми Ерга тушиши мумкин.

Мазкур сайёралараро илмий автомат станциянинг бортида радиоактив материаллар мавжуд. Улар Фобос йўлдоши тупроғида темир моддаси бор-йўқлигини ва қанча миқдордалигини аниқлаш учун зарур. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу «кобальт-57» гамма нурлари манбаси жуда кам миқдорда — атиги бир неча грамм оғирликда холос. Бу эса агар аппарат Ерга қуласа радиоактив ифлосланишни юзага келтирмайди.

«Фобос-Грунт»нинг муваффақиятсиз парвози ягона ҳодиса эмас. Космонавтика тарихида Россиянинг ва бошқа хорижий давлатларнинг бир неча космик миссиялари муваффақиятизликка учраган ва ҳалокатли якунланган ҳолатлар кўп бўлган. Уларга асосан миссияни молиялашдаги етишмовчиликлар, белгиланган муддатда парвозни амалга ошириш учун қилинган шошма-шошарликлар ва муҳандисларнинг йўл қўйган хатолари сабаб бўлган. Аммо шуни унутмаслик лозимки, космик саноат ушбу хатоликлардан хулосалар чиқарган ҳолда ривожланиб бормоқда.

Ҳаммамизга маълумки, ҳар қандай янги ишнинг муаммолари кўп бўлади. Айнан шу гапни космик саноатнинг илк паллаларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Космонавтикага тамал тоши қўйилаётган дастлабки вақтларда соҳа хатоликлардан холи бўлмаган. Масалан, собиқ совет давлатининг Ойни ва фазовий кенгликларни ўрганиш мақсадини ўз ичига олган, «Ой» деб номланган сайёралараро космик станцияларнинг фазовий парвозлари дастури тўлиқ муваффақият билан якунланмаган: жумладан, 18 йил давомида 33 та парвоз амалга оширилган бўлса, шундан 25 тасигина муваффақиятли якунланган (бу ўринда 1959 йили амалга оширилган илк парвознинг муваффақиятли якунланганини назардан қочирмаслик лозим), 8 таси муваффақиятсизликка учраган. Шу 8 та муваффақиятсизликнинг 6 таси сунъий йўлдошларни элтувчи юк ракетасининг ҳалокатга учраши натижасида содир бўлган. Бу муваффақиятсизликлар космонавтика тарихининг илк икки йилида юз берган, сўнг аста-секин хатолардан хулосалар чиқарилиб, муваффақиятли парвозлар даври бошланган. Бу эса само кенгликларини чуқур ва теран англаш, ўрганиш имконини берди. Жумладан, ўша йиллариёқ қуёш шамоли ва Ернинг ташқи радиация белбоғи борлиги кашф қилинди. Зондлар Ой юзасига етказилди ва Ойнинг орқа томони тасвирга туширилди. Ойга «Луноход» олиб чиқилди, ўз навбатида, Ой тупроғидан намуна олиниб, Ерга келтирилди.

Американинг Ойни ўрганиш миссияси ҳам муваффақиятсизликлардан бенасиб қолмаган: Ойга «Pioneer»ларнинг 9 марта парвозидан атиги 2 тасигина қисман муваффақиятли амалга ошган.

Ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида «Ranger» дастури бўйича амалга оширилган парвозларнинг ярмигина самара берган, холос. «Surveyor» ва «Lunar Orbiter» дастурлари эса яхши натижалар билан якунланган. Айнан «Lunar Orbiter» дастури доирасида 5 та миссия амалга оширилган бўлса, уларнинг барчаси муваффақиятли бажарилди, яъни шу миссияда «Apollo» космик кемаси астронавтларни Ойга олиб чиқди.

Ўша пайтда собиқ совет давлатининг инсоният тарихидаги илк сайёралараро парвозни амалга оширишни назарда тутувчи «Венера» дастури ҳам муваффақиятлар келтира бошлади: 1961 йилдан 1983 йилгача айнан Венера сайёрасига 20 дан ортиқ космик аппарат учирилган.

Биринчи ўн йилликда амалга оширилган парвозларнинг барчаси ҳам муваффақият билан якунланмаган. Бунга олимларнинг Венера сайёраси, аниқроғи, сайёранинг шароити оғирлиги — босим ва ҳарорати ҳақида батафсил маълумотга эга бўлмаганлиги сабаб бўлган. Кейинчалик эса Венера яқинидан учиб ўтиш, унинг атрофидаги космик кенгликларни ўрганиш, сайёра юзасини ва атмосфера қатламини тадқиқ қилиш, сайёрани суратга олиш ва унинг тупроғини таҳлил этиш бўйича ишлар муваффақиятли бажарилди. Айниқса, «Вега-1» ва «Вега-2» деб номланган иккита сайёралараро космик станция 1984-1986 йилларда Венера сайёрасини ҳамда Галлея кометасини чуқур ўрганиб, қўйилган мақсадни тўлиқ бажаргани таҳсинга лойиқдир.

Худди шундай ишлар Америка томонидан ҳам амалга оширилган: 1962-1973 йиллар давомида Венера, Марс ва Меркурий сайёраларини ўрганиш учун учирилган «Mariner» дастури доирасидаги 10 та космик аппаратдан 3 таси муваффақиятсизликка учраган.

Ўша пайтларда муваффақиятсизликлар юз бериши назарда тутилиб, коинотга учирилган аксарият космик аппаратлар иккитадан яратилган: бири ҳалокатга учраса, иккинчиси миссияни бажариш учун учирилган. Масалан, 1962 йилдан 1973 йилгача Марсни ўрганиш учун 15 дан зиёд космик аппарат учирилган бўлса, уларнинг аксарияти иккита ёки тўртта «ўриндоши» билан бирга учирилган. Дастлабки парвозлар ҳеч қандай натижа бермаган бўлса-да, кейинчалик Марсни ўрганишнинг уддасидан чиқилди. Дарвоқе, 1996 йилда учирилган «Марс-96» станцияси ҳам худди «Фобос-Грунт» сайёралараро автомат станцияси сингари сайёралараро парвоз траекториясига чиқа олмаган.

Олимлар сайёралардан ташқари Қуёшни ҳам тадқиқ этиш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб боришди. Жумладан, 1994 йили Ер орбитасига «Коронас-И» аппарати олиб чиқилди. Бироқ унинг кўпгина қисмлари биринчи ойдаёқ ишламай қолди. «Коронас-Ф» деб номланган иккинчи аппарат эса 2001 йил ёзидан 2005 йил декабргача фаол ишлади. Сўнг алоқа узилди. 2009 йил январда учирилган «Коронас-Фотон» сунъий йўлдоши ҳам бир йил ишлади, холос.

Бугунги кунда космик парвозлар борасида мустақил қадам ташлаётган Хитой ҳам муваффақиятсизликлардан бенасиб қолмаяпти. Ўтган йил декабрда Япония мутахассислари томонидан Венера томон учирилган «Акацуки» зонди ҳам сайёра орбитасига етиб боролмади.

Ҳатто коинотни ўрганиш борасида етакчи ўринларда бораётган АҚШнинг Аэронавтика ва коинот кенгликларини тадқиқ қилиш миллий бошқармаси — «NASA» ҳам кўпгина муаммоларга дуч келмоқда. 1990 йили «NASA» томонидан орбитага олиб чиқилган машҳур Эдвин Хаббл телескопи «йўлдаёқ» бузилган эди. Уни кейинчалик парвоз қилган астронавтлар очиқ коинотга чиқиб таъмирлашган. 1999 йили «NASA» Марсга «Mars Polar Lander» космик аппаратини учирган, аммо у Марсга қўнаётиб ишдан чиққан. «Mars Climate Orbiter» деб номланган иккинчи аппарат эса мутахассисларнинг нотўғри ҳисоб-китоблари сабабли сайёра атмосферасида ёниб кетган.

Ҳатто шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, фазовий аппарат ерда ясалаётган пайтдаёқ ишдан чиққан. Масалан, об-ҳавони мониторинг қилиб бориши режаланган «NOAA-19» самовий аппаратига ҳатто парвоз қилиш насиб этмаган: у йиғилаётган чоғда эҳтиётсизлик туфайли ерга тушиб кетган ва бу эҳтиётсизлик 6 йиллик вақтни «ўғирлаган». Яъни бу ҳодиса 2003 йилда рўй берган бўлса, 6 йилдан кейингина — 2009 йилда у қайта йиғилиб, орбитага учирилган.

Бу каби муваффақиятсизликларга қарамай олимлар коинот ва сайёраларни тадқиқ этиш шаштидан қайтишмаётгани қувонарли, албатта. Негаки, Ер сайёраси кенгликларини, фазовий миқёсларини, Ерга қўшни сайёраларни қанчалик тез билсак, тез ўргансак, илмий-амалий тадқиқ қилсак инсоният ўз олдида кўндаланг турган турли муаммолар гирдобига тезроқ жавоб топади, сайёрамиздаги ҳаётнинг давомийлигини, абадийлигини сақлашга замин яратиш имконини қўлга киритади. Шу боис ҳам илмий тадқиқот парвозлари яна ва яна давом этаверади. Жумладан, жорий йилнинг 25 ноябрида Флорида штатининг Канаверал бурнидаги космодромдан «Атлас-5» юк ташувчи ракетаси ёрдамида Марс сайёраси томон янги «марсоход» учирилади. Бу миссия кейинга қолдирилмаслиги шарт. Негаки, Ер ва Марснинг бир-бирига қулай жойлашуви ҳар 26 ойда бир марта юз беради. «Кьюриосити» деб номланган 6 ғилдиракли, автомобиль ҳажмига тенг, 900 килолик мазкур «марсоход» 2012 йил августда Гейл кратерига қўниши лозим. У бир Марс йили (Ер йилида икки йилга тенг) давомида сайёрада бир вақтлар ҳаёт бўлганлиги ёки бўлмаганлиги ҳақидаги саволга жавоб топиши керак. 2013 йили Россия ва Ҳиндистоннинг «Луна-Ресурс» миссияси, 2014 йилда эса «Луна-Глоб» парвози амалга оширилади. Бу икки лойиҳанинг мақсади Ой қутбларини, унда сув нишоналари бор-йўқлигини, агар бор бўлса унинг таркибини, учувчи бирикмаларни, қутблар экосферасини тадқиқ қилишдан иборат. 2016 йилдан кейин Венера сайёрасига «Венера-Д» зонди учирилади. Сўнг «Марс-Нэт» ва «Марс-Грунт» лойиҳалари юзасидан ишлар олиб борилади. 2020 йилда эса Россия ва Европа космик агентлиги ҳамкорлигида Юпитер ва унинг йўлдошларига парвозлар лойиҳалари амалга оширилади.

Демак, изланишлар, тараққиёт сари интилишлар самараси бугунгидан кўра салмоқлироқ тус олади. Бу эса инсоният эришган муваффақиятлар залворини янада кенгайтириб бораверади.



**Алимкул СУЛТОНОВ**
**шарҳлади.**


Реклама ўрнида

# Иқтисодий юксалиш йўлида

## ОАТ "Турон" банкнинг Хоразм филиали дадил одимламоқда

ОАТ "Турон" банки ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига таянган ҳолда ўз фаолиятини мижозлар эҳтиёжларини тўла қондиришга йўналтирган. Юртбошимиз томонидан 2011 йил **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** деб эълон қилинганлиги муносабати билан банкимиз томонидан тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтириш, қулай шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида ҳар тарафлама замонавий услубда жиҳозланган тадбиркорлар хонаси ташкил қилинди. Банкнинг Хоразм филилали томонидан кичик бизнес субъектларига яратилган қулайликлар ва кўрсатиладиган хизматлар турларини таништириш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Банк кенг доирадаги операцияларни амалга ошириш ва мижозлар олдидаги ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариш мақсадида, мижозларга кредитлар бериш, факторинг, лизинг ва валюта амалиётларини, лойиҳаларни молиялаштириш, касса-ҳисоб-китоб, жамғарма ва пластик карта амалиётлари, қимматли қоғозлар билан ишлаш, ташқи иқтисодий амалиётлар, халқаро пул ўтказмалари, ҳисобрақамларни масофадан бошқариш хизматларини бажармоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар моҳиятидан келиб чиқиб, муҳим тармоқлар — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқаришни изчил йўлга қўяётган барча турдаги корхоналарга мунтазам равишда кредитлар ажратилмоқда.

Филиалимизда 2011 йилнинг шу давригача барча молиялаш манбалари ҳисобидан саноат соҳасига 242 миллион сўм, қишлоқ хўжалигига 202,2 миллион сўм, савдо ва воситачилик учун 134,0 миллион сўм, қурилиш соҳасига 503,0 миллион сўм, хизмат кўрсатиш соҳасига 94,0 миллион сўм миқдорида кредитлар берилди.

Барча молиялаш манбалари ҳисобидан 1 миллиард 175 миллион 200 минг сўм маблағ ажратилиб, режа 104 фоизга бажарилди.

Ажратилган микрокредитлар 208 миллион 200 минг сўмни ташкил қилиб, режа 139 фоизга уддаланди.

Аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш учун берилган кредитлар миқдори эса 105 миллион, 400 минг сўмга етказилиб, режа 141 фоизга адо этилди.

Ёш оилаларга 40 миллион сўм маблағ ажратилди, режа 114 фоизга бажарилди.

Коллеж битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бўйича кредитлар ажратиш режаси 104 фоизга уддаланди.

Сервис соҳасини ривожлантириш учун эса 80 миллиард 94 миллион сўмлик кредитлар берилди ва режа 118 фоизга уддаланди.

Савдо дўконларига айланма маблағларини тўлдириш учун «Улуғбек Миржалол» хусусий корхонасига 27,0 миллион сўм миқдорида, "Жайхун Шамоли" хусусий корхонасига 30,0 миллион сўм ва "Раъно Райхон" хусусий корхонасига 8,0 миллион сўм кредит маблағи ажратилган.

ОАТ "Турон" банк Хоразм филиали томонидан вилоятда саноат салоҳиятини ошириш билан боғлиқ дастурга асосан Гурлан туманида фаолият кўрсатувчи «Бобурбек Рустам Юсуф» МЧЖга пишган ғишт ва оҳак ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун 2011 йилда 70,0 милион сўм кредит маблағи, «Меҳр эътиқод» МЧЖга пластик ва алюмин профилдан эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиши учун 24,0 миллион сўм кредит маблағи ажратилди.

Мазкур кредитлар ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми кенгайди, янги 48 та янги иш ўрни яратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги **«Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлар комплекси"** ижросини таъминлаш ҳамда банк ресурс базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг моддий манфаатдорлигини ошириш, нақд пулларни банк кассаларига жалб этишни рағбатлантириш мақсадида амалга оширилган тадбирлар натижасида филиалимизда **«Шодлик»**, **«Истиқлол»**, **«Мустақиллик»** муддатли омонатлари жорий қилинган бўлиб, 2011 йилнинг 1 октябрь ҳолатига 2 миллиард 594 миллион сўмни ташкил қилди.

Маълумки, Халқаро пул жўнатмалари тизими ҳам чакана хизматлар бозорида энг харидоргир маҳсулот саналади. Шундан келиб чиқиб, ушбу хизматлар рўйхати босқичма-босқич кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда вилоятимиз аҳолиси филиалимизда **«Western union»**, **«Contakt»**, **«Быстрая почта»**, оддий пул ўтказмалари, **«Золотая корона»**, **«Coinstar»**, **«Moneygram»**, **«UNIStream»** каби халқоро пул жўнатмалари тизимидан кенг фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Бу хизмат турлари орқали амалга оширилаётган пул айланмалари ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда.

2011 йилнинг дастлабки 9 ойи давомида пул ўтказмалари буйича 15075 дан ортиқ транзакциялари амалга оширилди.

Юртбошимиз томонидан қабул қилинган **«Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Қарорида қайд этилган вазифалар ижроси бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. 2011 йил 1 октябрь ҳолатига филиал бўйича барча чакана савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатувчи корхоналар тўлиқ терминаллар билан таъминланган.

**"Турон" банк матбуот хизмати**


Ёруғ остона

# Бахт калити

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам замонавий типдаги, шинам ва муаззам Бахт уйларининг қуриб фойдаланишга топширилиши оила қураётган ёшларнинг қалбини ғурур ва ишонч туйғулари билан тўлдирмоқда, ёшларнинг масъулият ҳиссини оширмоқда. Жумладан, вилоятда истиқлол йилларида Конимех, Хатирчи ва Кармана туманларида ана шундай кўркам бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди ва бугунги замон талабига мос тарзда жиҳозланди. Навоий шаҳри ҳамда Нурота туманларида эса шундай кошоналар фойдаланишга топширилиши тараддуди кўрилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оила қураётган ёшларнинг билим ва тушунчаларини бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, ташкил этилаётган давра суҳбатлари, семинарларда мутахассислар ёрдамида оила қуришнинг маънавий-ахлоқий, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари, балоғат ёши билан боғлиқ биологик, физиологик ўзгаришлар, қариндош-уруғчилик асосида оила қуришнинг зарарли оқибатлари батафсил тушунтирилмоқда.

Маълумки, соғлом фарзанд фақат соғлом оилада туғилади. Оиланинг соғломлигини ундаги муҳит, ота-онанинг тани-сиҳатлиги, тотувлиги, бир-бирини тушуниши, қўллаб-қувватлаши, ўзаро ҳурмат-иззат белгилаб берилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги** қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оила қуриш арафасидаги ёш йигит-қизлар бир-бирининг соғлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишини таъминлаш орқали келгусида бефарзандлик, жисмоний, руҳий ривожланишида нуқсони бўлган бола туғилишининг, ажралишларнинг камайишига, оналар ўлими ва ногирон фарзандлар туғилишининг олдини олишга эришилмоқда.

Бундан ташқари, вилоятда фаолият кўрсатаётган ФҲДЁ органлари томонидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва вилоят "Маҳалла" хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда эрта ва шаръий никоҳларнинг олдини олиш мақсадида чекка ҳудудларга режали равишда чиқишлар ташкил этилиб, никоҳдан ўтмаган оилалар сони аниқланиб, уларнинг никоҳлари қайд этилмоқда.

**Илҳомжон САЛОМОВ,**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

Тошкент Давлат юридик институти томонидан 1996 йилда Касимов Бобиржон Боходировичга берилган № 095446 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Адлия вазирлиги жамоаси Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Шодибек Маматовга падари бузруквори **Суюн ота МАМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Очилов Алижон Мухлисович
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Султонов Алимкул Тошбекович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-3195. **Тиражи — 13933.**
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5